

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ҚЎЧҚОРОВА САДОҚАТ ТОШПЎЛАТОВНА**

**ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ЭРТАКЛАРИДА МАДАНИЙ РАМЗЛАРНИНГ  
КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК РОЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Қўчқорова Садоқат Тошпўлатовна**

Ўзбек ва француз эртакларида маданий рамзларнинг коммуникатив-прагматик роли ..... 3

**Кучкарова Садоқат Тошпулатовна**

Коммуникативно-прагматическая роль культурных символов в узбекских и французских сказках ..... 29

**Kuchkorova Sadokat Toshpulatovna**

Communicative and pragmatic role of cultural symbols in Uzbek and French fairy tales ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ҚЎЧҚОРОВА САДОҚАТ ТОШПЎЛАТОВНА**

**ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ЭРТАКЛАРИДА МАДАНИЙ РАМЗЛАРНИНГ  
КОММУНИКАТИВ-ПРАГМАТИК РОЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD/Fil865 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Самарқанд давлат чет тиллар институти веб – саҳифасининг [www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот – таълим порталининг [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Сафаров Шаҳриёр Сафарович  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Жўраева Малоҳат Мухамедовна  
филология фанлари доктори, профессор

Якубов Жамолиддин Абдувалиевич  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи илмий муассаса:** Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат чет тиллари институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD 03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “14” апрел соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс (998966) 210-00-18; e-mail:info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (60937 рақами билан рўйхатга олинган.) Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37

Диссертация автореферати 2022 йил “2” апрел кунда тарқатилди.  
(2022 йил “1” апрел даги 37 рақамли реестр баённомаси).



*[Handwritten signature in blue ink]*

**И.М.Тухтаинов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори (DSc), профессор

*[Handwritten signature in blue ink]*

**Ғ.Қ.Мирсанов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори, доцент

*[Handwritten signature in blue ink]*

**Н.З.Насруллаева**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида инсониятнинг илк тафаккур маҳсули ҳисобланган халқ оғзаки ижодида нисбатан турлича илмий ёндашувларнинг мавжудлиги тилшуносликда фольклор жанри тадқиқининг доимо долзарб эканлигидан далолатдир. Шу жумладан, эртақ жанрига бўлган давомли қизиқиш Европада XVI-XVII асрларда илк бор ёзма шаклда пайдо бўлганлиги билан бошланган бўлса, XIX асрда жаҳон бўйлаб уларнинг генезисига оид илмий қарашлар, илк эртақ намуналарини қайта тиклаш, тўплаш ва чоп этиш бўйича тадқиқотлар кўринишида давом этди. XX асрда эса ушбу жанр структурал ёндашув намоёндаларининг илмий изланишлари объектига айланди. Ҳозирги даврда эртақ жанридаги асарларнинг миллий-маданий хусусиятлари, уларнинг лингвосомиотик таркиби изчил ўрганилмоқда.

Дунё фанида сўнгги йилларда жаҳон халқлари мифологик тафаккурига бориб тақаладиган ҳар бир халқ менталитети, тарихи, маданияти, уларни шакллантирувчи ғайрилисоний омиллар хусусида ахборот берувчи манба сифатида ижтимоий, маданий ва ахлоқий-эстетик вазифаларни бажарувчи эртақ жанри замонавий антропоцентрик йўналишлар – этнопсихоллингвистика, лингвофольклористика, когнитив лингвистика, лингвомаданиятшунослик каби йўналишларнинг долзарб тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда. Айниқса, эртақлар матнида маданий рамзларнинг акс этиш масаласининг тиллараро чоғиштирма таҳлилига бўлган зарурат кучаймоқда.

Янги тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда халқ оғзаки ижоди, фольклор санъати намуналарини ўрганиш ва тарғиб қилишга катта эътибор берилмоқда. Замонага хос тезкорлик ва инновацион ғоялар халқ эртақлари намуналарини ўрганишда ҳам янги илмий ёндашув ва қарашлар шаклланишини тақозо этади ҳамда тилшунос ва фольклоршунос олимлар олдига уларни замонавий тилшуносликнинг янги йўналишлари воситасида давр ижтимоий-маданий муносабатлари билан боғлиқ ҳолатда ўрганиш, жаҳон тилларига таржима қилиш, ўзбек халқи маданиятининг бўлаги сифатида замонавий ахборот технологиялари орқали дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этиш каби долзарб вазифаларни кўяди. Зеро, фольклор санъати “инсониятнинг болалик кўшиғидир”, “жаҳон маданий меросининг бу ўлмас асарлари бизга инсониятнинг наслу насаби, тарихий илдизлари, олижаноб идеаллари бир эканини, бинобарин турли миллат ва элат вакилларининг келажак сари интилишлари ҳам муштарак эканлигини англатади<sup>1</sup>”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //Халқ сўзи - Тошкент, 2019 йил, 7 апрель

фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” доирасидаги устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон фольклоршунослигида эртақ жанрининг структур-композициявий ва мотив-сюжет хусусиятлари А. Аарне, С. Томпсон, Х. Й. Утер, В.Я. Пропп, Е.М. Мелетинский, В. Аникинлар<sup>2</sup> томонидан ўрганилган. Айниқса, 1920 йилда фин олими Антти Ааматус Аарне томонидан яратилган, кейинчалик америкалик олим С.Томпсон ва немис олими Ханс Йорг-Утер томонидан тўлдирилган ва қайта ишланган эртақлар классификатори (ATU Index) ва рус олими В. Проппнинг “Эртақ морфологияси” асари жаҳон эртақшунослигида янгича ёндашувлар (А. Дандес, А. Греймас, К. Бремон) учун кенг йўл очиб берди<sup>3</sup>.

Ўзбек фольклоршунослигида эртақлар М. Жўраев, Б. Каримий, М. Афзалов, К. Имомов, Х. Эгамов, К. Қодиров, О. Қаямов, Н.Дўстхўжаева,

<sup>2</sup> Antti Aarne. «Verzeichnis der märchentypen». Helsinki: Suomalaisen Tiedeakatemia Toimituksia, 1910; Thompson S. The folktale. - London: University of California Press, 1977. - 502 p.; Uther H J. The Types of International Folktales, a Classification and Bibliography, based on the System of Antti Aarne and Stith Thompson by H. J. Uther - Helsinki, 2004; Пропп В. Я. Морфология сказки. — Л.: Academia, 1928. – 152 с.; Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. - М. - СПб.: Традиция, 2005. - 240 с.; Аникин В.П. Русская народная сказка. - М.: Просвещение, 1977. – 208 с.

<sup>3</sup> Dundes A. From Eitic to Ernie Units in the Structural Study of Folktales // JAF. 75: 95-105; Dundes A. The Morphology of North American Indian Folktales. Helsinki: Academia Scientiarum Fennica (FFC. Vol. 195); A.J Greimas, Structural Semantics: An Attempt at a Method. Lincoln and London: University of Nebraska Press, 1966. - p. 146-151; Bremond C. La Logique du récit, Collection Poétique, Éditions du Seuil, 1973. - 350 p.

М.Содиқова, З.Усмонова, С.Жумаева, Қ. Бекназаров, Ш Назарова томонидан тадқиқ қилинган<sup>4</sup>. О.А. Плахова, Н. Акименко, Л.Эпоева, Г.С. Дасанова, Е.Ю. Ласкавцева, А.В. Синелникова, Е.Е. Петрова, А. Касимбековаларнинг<sup>5</sup> илмий изланишларида эртақлар лингвокогнитив ва лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ қилинган. М. Жўраева француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясини, О. Холмуродова инглиз ва ўзбек эртақларининг қиёсий-типологик жиҳатларини ўрганган<sup>6</sup>.

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида соҳанинг янги парадигмаси сифатида талқин этилаётган ва инсоннинг билиш фаолияти билан боғлиқ когнитив тилшунослик соҳасида анча илмий изланишлар бажарилган бўлсада, айнан фольклор асарлари тадқиқига лингвомаданий ва лингвокогнитив жиҳатдан қиёсий ёндашув бўйича илмий тадқиқотлар жуда озчиликни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Дискурсининг когнитив, прагматик ва социолингвистик тадқиқи” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва француз эртақларида маданий рамз сифатида воқеланадиган ғаройибот категориясининг лингвосемиотик**

---

<sup>4</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Т.: “Фан”, 1964. – 120 б.; Каримий Б. Ўзбек халқ эртақларининг баъзи бир хусусиятлари // «XX аср ўзбек фольклоршунослиги». Антология. Т.: ЎМЭ нашриёти, 2017.–Б. 49-64; Имомов К. Ўзбек халқ эртақлари. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981.–Б. 62-96; Бекназаров Қ. Ўзбек халқ маиший эртақлари (ўрганилиши, таснифи, поэтикаси): Филол. фанлари номзоди дисс. – Тошкент, 1993. – 129 б.; Эгамов Ҳ. Совет шарқи туркий халқаро эртақчилик анъаналари, алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – 344 б.; Жўраев М. Ўзбек эртақларида сеҳрли рақамлар. – Тошкент, 1999. – 151 б.; Жумаева С. Ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг генетик асослари ва спецификаси: Филол. фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 1996. – 154 б.; Дўстхўжаева Н. Ўзбек сеҳрли эртақларининг структурал таҳлили. – Тошкент, 1999. – 175 б.; Қаюмов О. С. Ўзбек фольклорининг парабол образлари (генезиси ва поэтикаси): Филол. фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 1999. – 169 б.; Усмонова З. Ўзбек эртақ-новелларининг ўзига хос хусусияти ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 1999. – 141 б.; Содиқова М. Ўғай киз типидagi туркум эртақларининг спецификаси, генезиси ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2003. – 151 б.; Қодиров К.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини: Филол. фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2004. – 136 б.; Назарова Ш. Ўзбек халқ эртақларида синов мотивларининг генезиси ва поэтикаси: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. – Тошкент, 2017. – 150 б.

<sup>5</sup> Плахова О.А. Лингвосемиотика английской сказки: жанровое пространство, знаковая репрезентация, дискурсивная актуализация: Дисс. доктора филол. наук. – Волгоград, 2013. – 413 с.; Акименко Н.А. Лингвокультурные характеристики англосаксонского дискурса. Элиста, 2013. – 156 с.; Эпоева Л.В. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты изучения языка волшебной сказки: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Краснодар, 2007. – 20 с.; Дасанова Г.С. Лингвокультурологические и структурносемантические особенности языка сказки (на материале лезгинского, русского и английского языков): Дисс. канд. филол. наук. – Махачкала, 2013. – 157 с.; Ласкавцева Е.Ю. Лингвокультурологические характеристики русской и немецкой народной сказки: Дисс. канд. филол. наук. – Краснодар, 2001. – 145 с.; Синелникова А.В. Лингвокультурные особенности фольклорной стереотипии: сопоставительный аспект (на материале французских и итальянских народных сказок): Дисс. канд. филол. наук. – Челябинск, 2007. – 160 с.; Петрова Е.Е. Способы лингво-прагматической репрезентации фантазийных концептов (на материале английских волшебных сказок): Дисс. канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2011. – 219 с.; Нам Ч.К. Языковое выражение культурных символов в русской народной сказке (на фоне корейского фольклора): автореф. дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2008. – 24 с.

<sup>6</sup> Жўраева М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. – Т.: “Фан”, 2016. – 200 б.; Холмуродова О. Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. – Тошкент, 2020. – 63 б.

тадқиқини амалга ошириш ва сеҳр концептини вербаллаштирувчи воситаларни таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- олам манзарасининг фольклорга оид коммуникатив, ижтимоий, маданий ҳамда лисоний хусусиятларини ўрганиш ва уларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш;

- ўзбек ва француз тилларидаги ғаройибот категориясининг марказий ва иккинчи даражали хусусиятларини лексикографик манбаларга таянган ҳолда аниқлаш ҳамда мазкур категорияни ифодаловчи таянч лексик бирликларнинг француз ва ўзбек эртақларида қўлланилиш даражасини ёритиш;

- ўзбек ва француз эртақлари дискурсида ғаройиботлар рамзий воқеланишининг коммуникатив-прагматик хусусиятларини ажратиш;

- ўзбек ва француз халқ эртақлари дискурсида халқона магия турларининг воқеланишини таъминловчи омиллар қаторини белгилаш;

- ўзбек ва француз халқ эртақларида *Magie/Сеҳр-жоду* концептининг лексик-семантик, когнитив ва миллий-маданий хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маданий рамзларнинг лисоний ва дискурсив воқеланишини акс эттирадиган 130 та ўзбек ва 128 та француз халқ эртақлари матни танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** француз ва ўзбек эртақларида ғаройибот категорияси таянч бирликлари, ушбу категория рамзий воқеланишининг лингвосемиотик хусусиятлари, *Magie/Сеҳр-жоду* концептининг лексик-семантик, лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифий, чоғиштирма, концептуал таҳлил, дискурс таҳлили, статистик, лисоний воситалар семантик тавсифи натижаларининг когнитив талқини каби методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда намоён бўлади:

олам манзарасининг фольклорга хос коммуникатив, ижтимоий, лисоний, маданий хусусиятлари фарқланиб, уларни юзага келишини белгиловчи эртақ жанрига хос ҳамда эстетик-ғоявий мазмун ифодаси билан боғлиқ тил тизимининг турли сатҳларига оид лисоний ва ижтимоий-маданий характердаги нолисоний омиллар қатори аниқланган;

лексикографик манбаларга таянган ҳолда француз ва ўзбек тилларидаги ғаройибот категориясини намоён қилувчи *miracle, merveille, prodige, magie, ажойиб, ғаройиб, мўъжиза, сеҳр* каби таянч лексик бирликларнинг марказий ва иккинчи даражали хусусиятларини белгилаш тизими ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг француз ва ўзбек эртақларида фаоллашув даражаси қиёсий ўрганилган;

ўзбек ва француз ва эртақлари дискурсида ғаройибот категорияси рамзий воқеланишининг субстанциаллик, процессуаллик, акционаллик, атрибутивлик, темпораллик хусусиятларини акс эттирувчи лингвосемиотик белгилари ажратилиб, уларнинг тил тизими ва дискурс таркибида намоён



бўлишини таъминловчи матн ҳосил қилувчи ва мазмун идрокига таъсир кўрсатувчи коммуникатив-прагматик омиллар қатори аниқланган;

ўзбек ва француз халқ эртаклари дискурсида сеҳргарлик ва жоду рамзий фаолиятлари билан боғлиқ халқона магия турлари бажарадиган химояловчи ва зиён етказувчи вазифаларни фарқлаш бўйича ҳаракат механизмлари ва атрибутларни ажратишга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

ғаройибот категорияси ва *Сеҳр-жоду (Магия)* концептини француз ва ўзбек халқ оғзаки ижоди эпик турига мансуб эртақ матнида, изоҳли ва қомусий луғатлар, шунингдек, мавзуга хос тадқиқотлар асосида лингвосомиотика, лингвокогнитив ва лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш тизими ишлаб чиқилган;

тадқиқот материални ташкил қилувчи ўзбек халқ эртақларининг французча таржималари киритилган “*Contes populaires ouzbeks*” китоби Париж Академияси Сорбонна Университети қошидаги Ўқитувчилар тайёрлаш ва таълим институти ҳамда Франция Миллий кутубхонасининг китоб фондида рўйхатга олинган ва кутубхона бош каталогига киритилган;

ўзбек халқ эртақларининг француз тилидаги таржималари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фундаментал кутубхонасида интеллектуал мулк объекти сифатида № 3152-сон билан рўйхатга олинган;

халқ онгида акс этадиган ғаройибот ва сеҳр-жоду каби тушунча маъноларининг икки тил материалида чоғиштирма таҳлили натижаларидан инсон тафаккурининг халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ ёритилиши, ишда қўлланган ёндашув ва методлар, назарий маълумотларнинг расмий ишончли манбалардан олинганлиги, француз ва ўзбек тилларидаги изоҳли луғатлар ҳамда илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг фактик тил материалларига асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фольклорга оид олам манзарасининг тилда акс эттирилиш муаммосига замонавий ёндашув, лингвосомиотиканинг ўрганиш объекти бўлган белги ва символ ҳодисалари талқинига тегишли муаммоларга аниқлик киритилиши, сеҳр-жоду концептининг лингвомаданий, когнитив жиҳатларини қардош бўлмаган халқлар эртаклари материаллари асосида қиёсий тарзда кенг ўрганилганлиги билан изоҳланади, шунингдек, тадқиқот натижалари келгусида лингвомаданиятшунослик ва фольклор соҳасида тадқиқот олиб борувчилар учун муҳим илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган хулосалардан когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, лингвофольклористика, матн тилшунослиги, таржима назарияси ва амалиёти соҳаларига тааллуқли ўқув-услугий адабиётлар яратишда, курс ва битирув-

малакавий ишларини ёзишда, магистрлик, докторлик диссертацияларини тайёрлашда, махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва француз эртақларида маданий рамзларнинг коммуникатив-прагматик роли мавзуси юзасидан чиқарилган илмий натижалар асосида:

ўзбек ва француз эртақларида маданий рамзларнинг коммуникатив-прагматик роли мавзусидаги француз ва ўзбек эртақларининг концептуал таҳлили натижаларидан Сорбонна Университети, Париж Академияси қошидаги Ўқитувчиларни тайёрлаш ва таълим миллий институти ўқитувчилари томонидан маданиятлараро мулоқот ва методика курсларида фойдаланилган (Сорбонна Университети, Париж Академияси қошидаги Ўқитувчиларни тайёрлаш ва таълим миллий институти илмий кутубхонасининг 2021 йил 24 майдаги 17-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг ўзбек халқи ва маданияти хусусидаги билимлари шаклланган, маданиятлараро мулоқотни ўргатиш методикаси юзасидан малака ва кўникмалари такомиллашган;

ўзбек ва француз эртақларида маданий рамзларнинг коммуникатив-прагматик роли мавзусидаги диссертациянинг тил ҳодисаларига лингвосомиотик ёндашув асосида халқ оғзаки ижодининг рамзлилик хусусиятига оид таҳлилий ва назарий хулосалардан 2018-2020 йилларда амалга оширилган И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасинингресурслар яратишга оид қисмида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 25 июндаги 1165/30.0201-сон маълумотномаси). Натижада, хорижий тил ўқитувчиларининг тил назарий асосларига доир билимларини ошириш ҳамда француз тилини ўргатишга мўлжалланган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш бўйича янги ёндашувларга эришилган;

оламнинг фольклорга оид манзараси ва уни қардош бўлмаган халқлар оғзаки насрида намоён бўлиш жиҳатлари, жумладан, ўзбек ва француз фольклорида маданий рамзларга хос когнитив, миллий-маданий хусусиятлари таҳлиliga оид хулосалардан 2016-2018 йилларга мўлжалланган “Европа иттифоқининг ERASMUS+ дастури 561624 EPP-1-2015-1-UK-EPPKA 2CBHESP IMEP: “Internationalization and Modernization of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan” номли лойиҳасининг таълимни замонавийлаштиришга оид қисмида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 25 июндаги 1166/30.0201-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларда касбий маҳоратни ошириш ҳамда уларнинг коммуникатив ва педагогик қобилиятларини ривожлантиришга эришилган;

диссертациянинг ўзбек эртақларидаги маданий рамзларнинг келиб чиқиши, уларга хос когнитив ва миллий-маданий хусусиятлар борасидаги хулосаларидан Самарқанд вилоят ҳокимлиги, Самарқанд вилояти мактабгача таълим бошқармаси ҳамда Самарқанд давлат чет тиллар институти

хамкорлигида 2021 йил мартдан - 2021 йил августгача амалга оширилган “Аудио эртактар” номли инновацион илмий ишланма лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд вилояти мактабгача таълим бошқармасининг 2021 йил 7 сентябрдаги 02-08/20-1206-сон маълумотнома). Натижада аудио китоб шаклида чиқарилган ўзбек эртактарининг француз тилига таржимаси мазмуний самарадорлиги ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, шунингдек, ушбу натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Эртактар – фольклор жанр сифатида ва унда рамзларнинг воқеланиши**” деб номланади. Ушбу бобда оламнинг фольклордаги тасвири ва унга хос коммуникатив, ижтимоий-маданий, когнитив ҳамда лисоний хусусиятлар, эртактар жанрини ўрганишга бўлган ёндашувлар, семиотикада белги ва рамз масалалари, фольклордаги рамзлилик хусусида фикр юритилади.

Дунёнинг фольклорча тасвири анъанавий халқ маданияти билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли жамоанинг билим ва тажрибаларини ўзида ёрқин акс эттиради, бироқ унда хусусийлик жуда кам даражада намоён бўлади. “Оламнинг фольклорча тасвири “воқеликнинг ўзгарган олами” қабилидаги дунё умумий тасвирининг бир тури сифатида нофольклор (мифология ва этнографияга оид) материалнинг поэтик символика тилига маданий тушунчаларни умумлаштириш, типлаштириш ва таржима қилиш йўли билан фольклорга оид кодлар тизими орқали мазмун жиҳатдан қайта

кодлашиши натижасида яралган<sup>7</sup>”. Оламнинг фольклордаги манзараси ижтимоий-маданий, коммуникатив, когнитив ва лисоний аспектларда намоён бўлади. Фольклор асарларнинг ижтимоий-маданий хусусиятларига қуйидагилар киради: а) у жамоа маҳсули бўлиб, кўпчилик томонидан айтилади; б) оғзаки йўл билан тарқалади; в) унга анъанавийлик хос; г) унинг яратувчиси номаълум; д) бир сюжет халқ орасида бир қанча вариант ва версияларда айтилади. Ижтимоий-маданий аспектда фольклор ғоявий, аксиологик, меъерий, эстетик, тарбиявий вазифаларни бажаради. У бирон бир ижтимоий гуруҳга ўзини намоён қилиш имкониятини беради.

Коммуникатив аспектда фольклор инсон ва жамоалар ўртасида алоқа воситаси сифатида халқлар, одамлар ва авлодлар орасида мулоқот ўрнатишда фаол хизмат қилади. У наинки турли эстетик ёки бошқа турдаги ахборот ташувчи вазифасида, балки ушбу ахборотни ўзига хос тарзда самарали етказадиган, ижтимоий муносабат ва ижтимоий таъсирнинг ўзига хос шаклидир.

Фольклорга оид мулоқот амалий ва бадиий адабиётдаги мулоқотдан кўп жиҳатдан фарқ қилади: у ҳам жамоавий, ҳам хусусий характерга эга, таркибида воқеий хусусиятлар билан бирга бадиий воситаларни жамлаганлиги боис моҳият жиҳатдан турли хилдир.

И.П. Черноусова<sup>8</sup> фольклордаги таянч концептларни ахлоқий (мас., тақик, танишув, муқаддас бурч, савдо-сотик, синов, ор-номус, жазо, никоҳ, мукофот ва б.), диний-ахлоқий (дуо, зиёрат), эстетик (гўзаллик), салбий ҳиссиёт (мас., қайғу) ва унинг вариантлар(ғам-алам, азоб уқубатлар)ини ифодаловчи эмоционал ва социомаданий турларга ажратади.

Фольклорда мазмун шаклланишида рамзлилик муҳим аҳамиятга эга. Рамз (символ) бирор ғоя, тушунча, ҳодиса кабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белги, ишорадир.

Символ турларини фарқлаш учун француз семиологи П. Гиро бир неча мезонларни таклиф қилган<sup>9</sup>: 1) келиб чиқиши жиҳатидан: табиий ёки маданий; 2) маълумот бериш бўйича: имплицит ёки эксплицит; 3) таркиб жиҳатдан: ягона (масалан, сариқ ранг бир элементли) ёки кўп элементли (бинафша ранг қизил ва кўк – икки элементдан ташкил топган); 4) белгилилик жиҳатдан: субъектив ёки объектив; 5) субстанция жиҳатдан: инерт ёки жонли, моддий ёки руҳий, визуал ёки акустик, предмет ёки ҳодиса; 6) қўлланилиш соҳаси бўйича: кундалик ҳаёт, санъат, туш ёки тафаккур, миф ёки удум; 7) мақсадига кўра: ижтимоий ахборот берувчи ёки яширин ички ифода.

Маданий рамз дейилганда, маълум бир гуруҳдаги инсонларга хос бўлган эътиқод, урф-одат, тил ва қадриятлар тўплами – маданият мафкурасини

<sup>7</sup> Черванева В.А., Артеменко Е.Б. Пространство и время в фольклорно-языковой картине мира (На материале эпических жанров). Воронеж, 2004 – Воронеж: ВГПУ, 2004. – 184 с

<sup>8</sup> Черноусова И.П. Язык фольклора как отражение этнической ментальности. Автореф. дисс... доктора филол. наук. – Елец, 2015. – С. 44.

<sup>9</sup> Guiraud P. La sémiologie. Paris: P.U.F., coll. «Que sais-je ?», 1971. – 150 p.

ифодаловчи ёки ушбу маданият ичида ўз маъносига эга бўлган унсурлар намоёниши тушунилади.

Жаҳон эртақларида асосан, ритуал, космологик, рақам, ранг ва ҳайвон рамзлари намоён бўлади. Масалан, француз эртақчилигида Ш. Перро эртақлари мифологияга асосланган космологик-метеорологик ва ритуал ёндашув орқали талқин қилинган. Мифологияга асосланган космологик-метеорологик талқин асосида эртақларни табиатга хос бўлган ҳодисалар (кун чиқиши ва ботиши, қуёш ва ойнинг ҳаракати) воситасида изоҳлаш ётади. Мифолог Гиатцин Юссоннинг<sup>10</sup> космологик ёндашуви бўйича *La Belle au bois dormant* (*Уйқудаги малика*) эртагидаги ухлаб ётган малика – тинч-осуда тун, кўркам шаҳзода эса – кундузнинг тимсолидир. Малика ухлаб ётганида унинг саройи атрофидаги кириб бўлмас чангалзордан йўл очилиб шаҳзода келиши тонг отишидаги қуёшга ишора қилинади. Худди шу эртақни француз фольклоршуноси П. Сентив<sup>11</sup> ритуал ёндашув орқали талқин қилди: уйқудаги малика янги йилни билдиради. Чунки эртақдаги шох қизи ҳалок бўлмаслиги учун отаси таъқиқлаган ип йиғириш ҳаракати, ҳосилга зарар келтирмаслиги учун таъқиқланадиган янги йил удумларидан эди. Шунингдек, гўзал шох қизи ухлаётган саройни ўраб олган ўрмон ва шаҳзода ҳам ибтидоий жамиятда мавжуд бўлган шох-шаббалар орасига бекиниб, рамзий фош бўлишни кутиш таомилига бориб тақалади. Ўзбек эртақларидаги ялмоғиз ва жодугарнинг асосий сеҳрли қобилиятларидан бири, яъни бирор аъзосидан айрилган персонажни ютиб, кейин уни бус-бутун чиқариши тарихий асосга кўра, қадимий синовдан ўтиш маросимларининг кўринишидир.

Ўзбек эртақларида қуёш “*Кенжа ботир*” эртагида рамзийликка эга бўлади. Эртақда тасвирланган қуёш ҳар куни эрталаб уйини тарк этиб, осмонга чиқади, кечаси яна ер остига – онаси ҳузурига қайтади. Ушбу мотив халқнинг қуёшнинг чиқиши ва ботиши асосидаги мифологик тасавури натижасида юзага келган.

Ранг, рақамлар билан боғлиқ рамзлик ҳам жаҳон халқлари маданиятида турлича ифодаланади. Масалан, қизил ранг ўзбек эртақларида қон маъноси билан бирга, турлича гўзалликни ифодалаган ҳолда (*қизил гул, қип-қизил гилам, қизил маржон*) ижобий маъно касб ётади, рус эртақларида ҳам “*красный*” ранг сифатида гўзал қизга нисбатан “*красавица*” қуёш бирликларига синоним бўлиб юзага чиқса, хитой эртақларида эса ҳеч қандай ғоявий аҳамиятга эга бўлмайди, бурят эртақларида ҳам қизил ранг гўзаллик, соғломлик, ҳаётини қувват, қуёш мазмуни билан бирга, жиззакилик ва жанжалга мойиллик каби инсоний хусусиятлар талқинида кузатилади. Дунё халқлари эртақларида энг кўп учрайдиган уч, етти, тўққиз, ўн икки сонлари тилсимли рақамлардир. Уч рақами уч олам ҳақидаги турли мифологик тасавурлар билан боғлиқ: осмон (илоҳлар), ер усти (одамлар), ер ости (ёвуз руҳлар) дунёси; туғилиш, ҳаёт ва ўлим; ўтмиш, бугун, келажакни ифодалайди. Етти рақами Қадимги Русда сеҳргарлик амаллари ва дуоларда

<sup>10</sup> Husson H. La chaîne traditionnelle: contes et légendes au point de vue mythique. – Paris: Librairie A Franck, 1874. – 182 p.

<sup>11</sup> Saintyves P. Les contes de Perrault et les récits parallèles (leurs origines). – Paris: Robert Laffont, 1987. – 1192 p.

қўлланилган, ўзбек эртақларида ҳам етти рақамида сирлилик мазмуни кузатилади (*Қиз кўп чиройли экан, уни етти қават парда ичида онаси тарбиялар экан*). Туркий тилли халқлар эртақларида қирқ сони нафақат рақам, балки “кўплик” тушунчасига мазмунидан мос келади. Масалан, ўзбек эртақлари таркибидаги “қирқ кунлик йўл”, “қирқ кеча-ю, қирқ кундуз” каби анъанавий формулаларда нафақат замон ва макон ўлчови, балки беҳадлик мазмуни ҳам назарда тутилади.

Ишнинг “**Эртақ дискурсида рамзий белгилар воқеланиши**” номли иккинчи бобида мўъжиза ва ғаройибот категориясининг мезоний кўрсаткичлари, француз ва ўзбек эртақлари дискурсида ғаройиботлар рамзий воқеланишининг лингвосомиотик хусусиятлари кўриб чиқилди.

Маълумки, мўъжиза ва ғаройибот “хаёл суриш натижасида пайдо бўладиган образ; тасвирий образли билим кўринишидаги хиссий инъикоснинг олий формаси<sup>12</sup>” бўлган инсон тасавури ҳамда “хаётда инсон томонидан идрок этилмаган тасаввур ва хаёлий ситуацияларнинг вужудга келишидан иборат психик фаолият<sup>13</sup>” ҳисобланган инсон хаёлотини билан боғлиқ тушунчадир.

В.И. Карасикнинг<sup>14</sup> фикрича, “мўъжиза” тушунчаси жамоавий лисоний онгда тафаккурнинг дунёда худо мавжудлигига гувоҳлик берувчи – экзистенциал, тушунтириб бўлмайдиган ҳодиса сифатида – когнитив, ҳайрат ва завқ-шавқни чақирувчи – адмиратив каби асосий шаклларида намоён бўлади.

Француз олими Жак Ле Гофф<sup>15</sup> “мўъжиза” тушунчаси англатган маъноларни уч хил йўналишда олиб қарайди: mirabilis – “христиан дини пайдо бўлгунга қадар тушунилган ажойибот”; magicus – “ҳалокатли ва иблисона ғайритабиийлик”; miraculosus – “соф христианча ғайритабиийлик”.

Тадқиқотда француз ва ўзбек халқи онгида акс этадиган ғаройибот категориясининг таянч лексик бирликлари изоҳли ва қомусий луғатлардаги тавсифлар асосида аниқланди ва категориянинг онтологик жиҳатлари асосида – ғайриоддийлик, гносеологик аспектда - тушунтириб бўлмаслик, ҳодиса сифатида – табиат қонунларига бўйсунмаслик, аксиологик жиҳатдан ҳайратга солишлик, гўзаллик билан боғлиқлик, дин билан алоқадорлик каби маъно мезонлари аниқланди. Француз тилида ғаройибот категорияси *miracle, merveille, prodige, magie, surnaturel, extraordinaire, étrange, fabuleux, féerique, mystérieux*, ўзбек тилида эса, *ғаройиб, ғаройибот, ажойиб, ажойибот, мўъжиза, каромат, ғайритабиий, галати, сеҳр, сеҳрли, тилсим, тилсимли, сирли, ажиб* бирликлари асосида шаклланади. Халқ тасавури ва онги маҳсули бўлмиш эртақларда қўлланилган таянч бирликлар белгиланган семантик мезонларни акс эттириши аниқланди, хусусан, ушбу лексик бирликлардан табиат қонунларига бўйсунмаслик, ҳайратга солишлик,

<sup>12</sup> Энциклопедик луғат. 2-томлик. – Т.: Ўзбек Энциклопедияси, 1990. (электрон) – Б. 249.

<sup>13</sup> Ўша асар. –Б. 354.

<sup>14</sup> Карасик В.И. Концептуализация чуда// Поволжский педагогический вестник. 2017. Т. 5, № 3(16). – С. 25-33.


<sup>15</sup> Ле Гофф Ж. Средневековый мир воображаемого. – М.: Изд. группа “Прогресс”, 2001. – С. 41-65.

тушунтириб бўлмаслик, гўзаллик ва мукамаллик билан боғлиқлик (*Elle ... arrosa de quelques gouttes de son eau merveilleuse. Aussitôt, on vit apparaître sur la place un beau et vigoureux jeune homme, qui n'était ni bossu ni boiteux; У ажойиб бола бўлиб, йиғласа дуру-жавоҳиротлар кўзидан оқиб тушар, кулса, гуллар сочилар эди; боғнинг бир томони баҳор – дарахтлар гуллаганмиш, иккинчи томони эса ёз, мевалар пишиб, тағизга тушиб ётганимиш..... Бу ажойиб боғни кўриб Хуршид ҳайрон қолибди.*) семалари билан бирга, ғайритабиий куч ва мўъжизавий қудратга эга бўлишлик (*la magique puissance, une force extraordinaire; мўъжизакор узук, сеҳрли қилич*) ва турли ўлчамлар(ҳажм, сон ва б.)ни ҳаддан ташқари бўрттириш (*une vitesse prodigieuse, la taille extraordinaire; Мол шунча кўп, шу қадар ажойиб эмишки, Зумраднинг бутун умрига етиб ортар эмиш*) мазмуни англашилади.


Француз эртаклари дискурсида дин билан боғлиқ мўъжиза семасини ифодалашда биз белгилаган таянч лексик бирликлари иштирокини учратмадик. Ушбу сема коннотатив тарзда Худонинг жазоси сифатидаги кароматлари (*Ma mère trouvait les enfants de toutes les autres femmes laids et contrefaits, et Dieu, pour la punir, lui donna une truie pour fille*), истакни рўёбга чиқариш учун тухфаси (*Le bon Dieu m'a donné le pouvoir d'accomplir le souhait qu'il vous plaira de faire*), ҳимоячи сифатидаги қудрати (*Les deux chiens dirent alors au roi : – Nous sommes ton père et ta mère, envoyés par Dieu, sous cette forme, pour te protéger*), авлиёларга тегишли бўлган ашёларнинг ғаройиб хусусияти (*Le couteau a appartenu à saint Corentin, et tout ce qu'il touche échappe aux enchantements des magiciens ou du démon*) ифодасидаги мўъжиза сифатида намоён бўлади. Ўзбек эртакларида ушбу сема каромат таянч бирлиги орқали ифодаланади: *Одамлар ҳаводаги олтин қасрни кўриб, ҳангу-манг бўлиб, бир хиллари ақлдан озишиб,... , бошқалари: “Худои таолонинг каромати”, – деб тавбаю тазарру қилармиш.*

Француз ва ўзбек эртаклари дискурсида ғаройибот категорияси таянч лексик бирликларининг қўлланилиш даражаси турличадир. Таҳлил қилинган 128та француз эртаклари матнида жами лексик бирликлар 484тани ташкил этса, 130 та ўзбек эртаклари матнида жами 94та бирлик қўлланилган. Қўлланилиш даражасига кўра француз эртакларида *merveille, extraordinaire* бирликлари ва уларнинг ҳосилалари (49,7 %, 17,7 %), ўзбек эртакларида эса *сеҳр* (34,7 %) ва *ажойиб* (23,9 %) бирликлари ва уларнинг ҳосилалари олдинги ўринда туради.

Эртақ дискурси эртақ категорияси мезонларини ўзида жамлаган матн шаклидаги коммуникатив жараён, ижтимоий ҳаёт меъёрлари ва қадриятларини танқидий кўриб чиқишга асосланган нутқий мулоқот тури, маданий мулоқотга хизмат қиладиган ўзига хос белгилар тизими, менталитетга оид, тарихий, маданий, этнопсихологик, этнографик ва бошқа турли хил ғайрилисоний омиллар таъсири остида аксиологик микростратегиялар воқеланадиган дискурс сифатида талқин қилинади. Унинг конститутив хусусиятларига эпиклик, дидактиклик, эстетиклик, уйдирмага асосланганлик ва ғаройибот киритилади.



1-расм. Француз тилидаги ғаройибот категорияси таянч лексик бирликларининг эртактларда тақсимланиш даражаси



2-расм. Ўзбек тилидаги ғаройибот категорияси таянч лексик бирликларининг эртактларда тақсимланиш даражаси



Лексема, сўз, сўз бирикмаси, гап ва бошқалар лисоний белги сифатида – инсон идрок қилган барча нарсани қайд қилади, тил соҳибларининг онгида шаклланган маъно, фикр ва тушунчаларнинг рамзи бўлиб хизмат қилади. Лисоний бирликлар воситасида ахборот йиғилади, сақланади ва авлоддан-авлодга ўтади. Демак, лисоний белги – умумлаштиради (сигнификатив функция), ахборот беради (коммуникатив функция), номлайди, аниқлаштиради (номловчи функция), мулоқотчиларнинг маълум ҳиссиётларини ифодалайди (прагматик функция). Ўзига хос семиологик соҳаларни тузилиш ва мазмун жиҳатдан турлича бўлган, наинки ҳолат, балки ҳодиса ва фактларни ифодаловчи тўлиқ дискурсив лисоний белгилар банд қилади. Француз ва ўзбек эртақлари дискурсида ғаройибот категорияси субстанциаллик, процессуаллик, акционаллик, атрибутивлик, темпораллик каби тушунча категорияларини акс эттирувчи лисоний белгилар, вербал компонентли нолисоний белгилар ва кодлар орқали намоён бўлади.

**Номинатив белгилар** ўзига хос хусусият ва табиатга эга бўлган мўъжизавий фаолият субъектларини номлашга хизмат қилади. Уларга ғайриоддий мавжудот ва инсонлар (*la fée, l'Ogre, le Géant, le nain, le goblin, Pomme-Crapaud; Ялмоғиз кампир, Ялман кампир, Қорадев, Гулиқаҳқаҳ пари, Тилла кокил, Юлдузсанар* ва ҳ.); ажабтовур ҳайвонлар ва қушлар (*les grenouilles volantes, l'Oiseau de Vérité; Семурғ қуш; боши йўқ қўй* ва ҳ.); ғайриоддий ўсимликлар (*la Pomme-qui-chante, arbres, au feuillage d'or et d'argent; ҳаёт гули, меҳриғиё* ва ҳ.) киради.

**Процессив белгилар** ғаройибот олами вакилларининг ҳаёт тарзи ва фаолиятини акс эттиришга хизмат қилади. Уларга ҳаётий эҳтиёжлар билан боғлиқ фаолият (*l'Ogre, qui, comme à l'ordinaire avait mangé un bœuf entier à son souper et bu une barrique du vin; У тик юрганда боши булутга етгани учун, энкайиб сув ичишга эриниб, булутларнинг сувини шимиб ичиб юрар экан*); мўъжизавий фаолият (*Elle jeta un peu de son onguent dans le fleuve, et aussitôt l'eau se gonfla, comme du lait sur le feu (CPBB, 180)*); ўзаро мулоқот фаолияти (*Mais le monstre, changeant soudain de forme, se présenta sous les traits d'une belle reine; Ўша ҳамоно қуш тилга кириб, бўлган воқеаларни бошдан-оёқ сўзлаб берибди*); касбий фаолиятларни (*La Sirène souleva des vagues énormes vers le ciel; Ҳаким кийикни зам-зам деган сувга бир чўмилтирган экан, қиз ўз суратига кирибди*) акс эттирувчи лисоний белгилар киради.

**Макон белгилари** ғайриоддий маҳлуқотлар яшайдиган, оддий инсонлар оёғи етмайдиган, ғайритабиий ҳодисалар содир бўладиган жойларни ифодалайди: ўликлар дунёси (*l'entrée de l'enfer, au Paradis, marché aux femmes mortes; жаҳаннам*); ғайритабиий мавжудотлар яшайдиган макон (*le Trou aux Fades, le Cercle des Fées; Кўҳиқоф тоғи, парилар шаҳри*); пастда, чуқурликда жойлашган макон (*une grotte souterraine, creusée dans la falaise; ер ости саройи, етти қават ернинг тағида*); юқорида жойлашган, қўл билан яратилган макон (*sa cabane construite à l'angle de deux rochers; баланд*

тоғнинг чўққисидида кўк билан ўпишиб турган бир қаср); қоронғу макон (*le bois sombre*; ўранинг ичи кенг ва қоронғи экан); ёруғ макон (*la forêt lumineuse*; қуёш нурига кўмилган ўрмон); муаллақ (ҳаводаги) макон (*son château, suspendu par quatre chaînes d'or entre le ciel et la terre*; тағи ерга, менаси осмонга тегмайдиган равоқ); сувдаги макон (*au fond du puits; au fond de l'eau*; Ютар кўл, сув ости) ва ҳ.

Ўзбек эртакларида учрайдиган оловли макон (*Ёнар тоғ, ёниб турган тошдан қилинган уй*), қуёш ҳаракатини ифодаловчи сўзлар билан боғлиқ макон (*шаҳарнинг кунчиқар томонида; тоғнинг кун чиқиши томонида*);, иссиқ макон (*қуш учса қаноти қуяр, одам юрса оёғи қуяр саҳро – жазираи олмас*) намуналари биз таҳлил қилган француз эртаклари дискурсида учрамади.

**Замон белгилари** ғайриоддий ҳодиса, сеҳр ва мўъжиза амалга ошадиган пайтни кўрсатади. Таквимий, қуёш ва ойнинг ҳаракати билан боғлиқ замон ҳар икки халқ эртакларида ҳам учрайди: *чошгоҳ, пешинда, кеч бўлиб ой чиққанда; le soleil était sur l'horizon; le soleil couché*. Француз эртакларида мўъжиза қоқ тушда ва ярим кечаси (*A minuit, les douze diables descendirent; des serpents et des géants ... , tout cela dort profondément, de onze heures jusqu'au dernier coup du midi; en plein midi; etc.*), ўзбек эртакларида эса ярим кечаси (*ярим кечада подшоҳ уйғониб қараса, ёнида катта, узун илон ётган эмиш*) ва ибодат пайтларига (*азонга (бомдод намози азонига) яқин*) нисбатан олинган вақтда содир бўлиши билан характерланади.

**Инструментатив белгилар** ғайритабиий персонажлар ва қаҳрамонларнинг мўъжизавий, касбий ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда қўллайдиган воситаларни номлашга хизмат қилади. Уларга артефактлар (*une baguette, un anneau, қирқ қозон, ойнаи жаҳоннома*), глуттонимлар (озик-овқат маҳсулотлари: *la soupe de ferraille, l'eau de vie; l'eau de mort*; “Обиҳаёт” суви, йўлбарсинг сути), кийим-бош (*un manteau, un chapeau; қалпоқ, телпак, чопон*), натурфактлар (*les plumes d'une colombe, le cœur de l'oiseau, une feuille de laurier; қуш пати, от ёли, кийик шохи, ялпизнинг илдизи*) киради.

**Квалификатив белгилар** ғайриоддий воқеликни ифодаловчи ғаройибот категорияси хусусиятлари (ғайриоддийлик, ақл бовар қилмас куч-қудратга эгалик, тушунтириб бўлмаслик ва б.)ни ифодаловчи лексик бирликлар иштирок этган бирикмалардан иборат: *l'eau magique, une vitesse prodigieuse; сеҳрли булоқ, сирли телпак, ажойиб балиқ, ғаройиб қуш* ва ҳ.

Эртак дискурсида ғаройибот категорияси вербал компонентли нолисоний белгилар орқали ҳам ифодаланади. Ҳар қандай дискурс таркибидаги новербал воситалар нутқ белгиларига қўйиладиган барча талабларга амалий жавоб беради: улар ситуатив мос келади, коммуникатив жиҳатдан ахборот беради, денотатив мазмунга эга, функционал жиҳатдан ўрнини эгаллаш хусусиятига эга<sup>16</sup>.

<sup>16</sup> Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. – Челябинск: ЧГИК, 2018. – С. 105.

Ўзбек ва француз эртаклари матнида нолисоний воситаларнинг лексик жиҳатдан намоён бўлишида нолисоний воситаларга бириктирилган феъллар, нолисоний воситаларни тасвирловчи эркин сўз бирикмалари, рамзий нолисоний воситаларни ифодалашга хизмат қилувчи турғун сўз бирикмалари ва жумлалар муҳим аҳамиятга эга.

**Соматик белгилар** тана аъзолари ва уларнинг қисмлари, тана қопламалари (тери, сочлар, тирноқлар), тана суюқликлари (қон, кўз ёшлар), инсон танасидаги ўзига хос жойлар (киндик, кўз косаси, кўлтиқ), инсон танасидаги турли чизикларни ўз ичига олади. Француз ва ўзбек эртакларида соматик белгилар инсон танасининг бош қисми ва унда жойлашган аъзолар (кўз, тил, тишлар, пешона), тана аъзолари, тана қопламалари тасвири орқали ифодаланган: *les yeux arrachés de leurs orbites, la langue hors de la gueule, un œil unique, le corps sans tête; et au côté gauche, une énorme plaie, par où l'on voyait son cœur; il était cuit et ses chairs tombaient en lambeaux; ... тили икки қарич осилиб ... келаётган ялмоғиз; кўзи чакса гуруч дамлайдиган қозондай бир кампир; ... бўйи минордек, ҳар кифти чинордек, оғзи гордек, бурни мисли тандирдек, бадани филнинг баданига ўхшармиш* ва б.

**Ольфактор белгилар** ҳид билан боғлиқ бўлиб, француз эртакларида аксарият ҳолларда одам - инсон ҳиди тушунчаси *chrétien* яъни христиан динига мансуб инсонни назарда тутган бирлик орқали ифодаланган: *l'odeur de chrétien* ; одам исси (*ҳиди*) келяпти.

**Колороморф белгилар** рангга оид белгиларни ифодалаган ҳолда, француз эртакларида асосан, ғаройибот билан боғлиқ ранглар сифатида осмон жисмлари ранглари кўлланилган бўлса, ўзбек эртакларида табиатда мавжуд рангларнинг кўпчилиги иштирок этгани кузатилади: *une robe de la couleur des Etoiles, de la lune; couleur du Soleil; Қараса, мена устига қизил, сариқ, кўк харсанг тошлар терилган экан.*

**Акустик белгилар** овозга боғлиқ бўлган мўъжизани ифодалайди (*un vacarme infernal, Дев ... ҳушсиз ётган экан, гижжак товушини эшитиб ўзига келибди*). Бундан ташқари кинесик (жест, мимика) ва акционал (*La chèvre lui fit signe de la suivre* ; *Маймун ..., шаҳзодани имлаб: - Туш! – дебди; ... иккала дев бир думалаб одам қиёфасига кирибди*), тактил (тегиниш, тери орқали мулоқот) (*quand on les peignait, il tombait des pièces d'or de leurs têtes* ; *қизи отасининг кўзларини тили билан ялаб, жойига қўйган экан, чолнинг кўзлари очилиб .... кўрибди*), окулесик (кўз, нигоҳ орқали мулоқот) (*celui sur qui tombe son regard tombe aussitôt mort* ; *Шер ҳам ўрнидан туриб Шерзодга тикилди. ... , охири шернинг кўзи қамашди*) белгилар ҳам француз ва ўзбек эртакларида ғаройибот категориясини воқелантирувчи воситалар сифатида хизмат қилади.

А.В. Оляничнинг фикрига кўра, мулоқот назариясининг таянч тушунчаларидан бири, бу – “бир сигнал тизимининг бошқасига ички ва ташқи (вербал ва новербал шаклда мавжуд бўлган) код ёрдамида

конвертация қилиниши – кодлашдир<sup>17</sup>”. Турли кодлар ҳам ўзбек ва француз эртаклари дискурсидаги ғаройибот категориясини ифодалашга хизмат қилади. Масалан, **минерологик код** (*une pluie de diamands, une véritable grêle de plomb* ; *Бу дарахтнинг мевалари ҳақиқий мевалар бўлмай, бири ёқут, бири забаржад, бири зумрад, бири олтин, бири марварид ... эмиш ва х.*) француз эртаклари дискурсида турли артефакт ва табиат ҳодисалари талқинида, ўзбек эртақларида эса ушбу ҳолат натурфактлар ифодасида кузатилади.

Шунингдек, **метеорологик код**: *cette pluie d'or; une pluie de sang; une pluie de soufre et de feu* ; *Ёмғурдан кейин қор, қордан кейин тош ёға бошлабди*; **астрономик код**: *un soleil de cristal, un ciel de cristal*; **нумерологик код**: *un Ogre qui avait bien dix pieds de haut et cinq ou six pieds en largeur* ; *un dragon à sept têtes* ; *Шу уч томчи қон ўрнидан уч тун терак кўкариб чиқиб, ҳар бири беш қулочдан бўлибди* лар ҳам кузатилади. Нумерологик белгилар таркибида француз эртақларида айниқса, *dix* ва *sept*, ўзбек эртақларида *етти, қирқ, уч* каби бирликлар энг кўп қўлланилгани кузатилади.

Тадқиқотнинг учинчи боби “**Эртақлар матнида магия – сеҳр-жоду концептуал майдонининг намоён бўлиши**” деб номланади. Ушбу бобда магияга оид дискурс сифатида эртақлар матнидаги халқона магия кўринишларининг намоён бўлиши, француз ва ўзбек эртақларида *Magie* ва *Сеҳр-жоду* концептининг когнитив ва миллий-маданий хусусиятлари хусусида гап боради. Магия – сеҳр-жоду дунёни идрок қилишнинг шакли сифатида жуда қадимий бўлиб, инсон онгининг ғайришуурийлик доирасига кирувчи ҳис-туйғулар, хаёл, фантазия ва тасаввурларга тааллуқли бўлишлик хусусиятига эгадир. Магия феномени жуда кўплаб ёндашувларнинг тадқиқот объектига айланган. Хусусан, антропологик ёндашув намояндалари британиялик олим Ж. Фрээр, рус олимлари С.А Токарев ва М.П. Новиковлар сеҳр-жодуни турли мезонлар асосида тасниф қилганлар. Олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда мазкур тадқиқотда сеҳр-жодуни мақсадига кўра шартли равишда – зиён етказувчи, ҳарбий, ишқий, даволовчи ёки ҳимояловчи, овчиликка оид, об-ҳавога оид ва магиянинг бошқа иккиламчи турлари; ҳаракат механизмига кўра эса – контактли, инициал ёки трансмиссив, имитатив, парциал, апотропетик ва катартик магия каби турлари аниқланди<sup>18</sup>.

Е.С.Гончарова<sup>19</sup> магияга оид дискурс тизимини шакллантирувчи хусусиятларни қуйидагича белгилайди: 1) унинг мақсади – ҳимоялаш

<sup>17</sup> Олянич А.В., Никишкова М.С. Дискурсивная актуализация этнолингвокультурного кода в англоязычной глуттонии // Вестник Волгогр. гос. ун-та. Сер. 2, Языкозн. 2014. № 4 (23). – С. 70-82.

<sup>18</sup> Фрээр, Дж. Дж. Золотая ветвь. Исследование магии и религии. / Пер. с англ. М. К. Рыклина — М.: Политиздат, 1980. – 831 с.; Токарев С. А. Ранние формы религии. – М.: Политиздат, 1990. – 622 с.; Карманный словарь атеиста / Ю. А. Бахныкин, М. С. Беленький, А. В. Белов и др.; Под. ред. М. П. Новикова. — 7-е изд. — М.: Политиздат, 1987. — (эл. <http://www.litmir>) -С. 95.

<sup>19</sup> Гончарова Е.С. Магический дискурс как суггестивный тип коммуникации // Вестник Волгогр. гос. ун-та. Сер. 2, Языкознание. 2012. № 2 (16). – С. 167-170.

(протекция), олдини олиш ва тузатиш(коррекция)ларнинг таянч стратегияларини амалга ошириш; 2) иштирокчилари – ёрдам сўровчи шахс – мижоз ва махфий билимлар соҳиб, мижоз ва ғайритабиий кучлар ўртасидаги воситачи – агент; 3) ундаги мулоқот статус - роль муносабатлари доирасида амалга оширилади – мулоқот иштирокчилари орасидаги асосий тафовут агентнинг ташқи кўриниши, унинг хулқ-атвори, сеҳр жараёнида атрибутларнинг мавжудлиги ва афсунларнинг махсус талаффуз услуги орқали аниқ кўрсатилади. Сеҳрли эртақлар дискурсини магияга оид дискурсининг бир кўриниши, деб эътироф этган ҳолда, юқоридаги хусусиятлар француз ва ўзбек эртақлари дискурсига тўлиқ мос келиши ва уларда халқона магиянинг барча кўринишлари ўзига хос миллий-маданий хусусиятлар асосида намоён бўлиши кузатилди. Масалан, 1) инициал ёки трансмиссив магия (инглизча *initial - бошланғич, transmissive - узатувчи*) кўринишлари: *Et aussitôt il souffla dans le bec d'oiseau, ..., et tous les oiseaux du pays, petits et grands, arrivèrent de tous côtés, se précipitèrent sur le diable; Кимёгар ўғли ... сурнайни подшо саройи томонга қараб чалибди. Подшо аскарлари устига ўқ осмондан ёмғир каби ёғиб, бирпасда подшонинг бир қанча кишилари ўлиб кетибди;* 2) контагиоз ёки парциал магия (инглизча *contagious – юқумли, partial - қисман*) кўринишлари: *Aussitôt que le prince-loup fut sorti de la maison, ..., ouvrirent le coffret et jetèrent la peau du loup dans le feu. Le prince, au moment d'entrer dans l'église, sentit l'odeur de sa peau qui brûlait. Il poussa un cri, et revint aussitôt à la maison en courant; Қиз (илон ниқобни) олиб чиқиб ёқиб юборибди. Шу вақтда дарров ниқобнинг тутуни куёвнинг димоғига кирибди. Сесканиб туриб: .. бир каптар бўлиб уйнинг туйнугидан учиб чиқиб кетибди;* 3) катартик магия (инглизча *cathartic - тозаловчи*) кўринишлари: *il (le capitaine Lixur) posa les bassins sur des trépièdes, ..., il les remplit de lait, sema des morceaux de pain blanc trempés de lait dans les intervalles,... Il (le Satyre) s'approcha du premier, le flaira et le huma avec avidité. ... Et à mesure que le lait disparaissait, l'air se purifiait et devenait respirable; Қорасоч нари ... тош бўлиб ётган Нодирни кўтариб шоҳнинг қонига чўмилтириб, ... чинор томон йўл олди. Бориб чинор тағидаги булоққа тошни шўнғитган экан, Нодир акса уриб ўз ҳолига келибди ... ва ҳоказо.*

*Magie* ва *Сеҳр-жоду* концепти таркибида мажозий-перцептив, тушунчавий ва баҳоловчи жиҳатларни акс эттирувчи лингвомаданий концептдир. Француз эртақларида *Magie* концепти сеҳрли хатти-ҳаракат ва жараёнлар, персонажлар ва жисмларни номловчи лисоний белгилар орқали воқеланади.

Француз эртақларида *magie, enchantement, sorcellerie, charme, sort* бирликлари *Magie* концептининг марказий тушунчалари сифатида иштирок этади. Ушбу бирликлар тавсифи орқали концептнинг лексик-семантик хусусиятлари аниқлаб олинди: 1) кўринмас, табиатга хос ёки ғайритабиий кучларни бошқариб, бирон мақсад (яхши ёки ёмон) йўлида улардан фойдаланиш амаллари; 2) сирли, кўрқинчли амалларга катта аҳамият

берадиган халқона ёки примитив жодугарлик амалиёти, тушунарсиз нарса; 3) сеҳрлаш амалиёти ва унинг натижаси. Француз эртақларида сеҳрлаш ва сеҳрланиш тушунчаси *enchanter, ensorceler, retenir enchanté, retenir sous un charme, jeter le sort, être soumise aux enchantements, être sous un charme* каби, сеҳр-жодуни бартараф этиш ва ундан халос бўлиш мазмуни *rompre le charme, disenchanter, délivrer de l'enchantement, détruire les enchantements, échapper aux enchantements* каби лисоний бирликлар орқали ифодаланади.

Ўзбек эртақларида *Сеҳр-жоду* концептининг марказий тушунчалари сифатида *сеҳр, жоду, сеҳргарлик, жодугарлик, афсун, дуо* каби бирликлар қўлланилади. Концептнинг семантик сатҳи 1) ғайритабиий кучлар, сеҳрли афсун ёрдамида мўъжизалар вужудга келтирувчи ҳаракат, куч ва дуо; 2) махсус ҳаракат ва дуолар ёрдамида кишиларга ва табиат ҳодисаларига таъсир кўрсатиш амаллари; 3) балони даф этиш ёки балога гирифтор қилиш, хасталикдан шифо топиш ва омадга ёр бўлиш сингари усуллари орқали акс этади.

Ўзбек ва француз эртақларида “*Сеҳр*” ва “*Magie*” концепти уч гуруҳда намоён бўлади: сеҳр соҳиблари, сеҳрли ҳатти-ҳаракатлар ва сеҳрли жумлалар. Сеҳр соҳиблари француз ва ўзбек эртақларида ҳам сеҳр кучига эга инсонлар (*magicien, sorcier, мастон кампир, Ялман кампир, Ялмоғиз кампир, сеҳрли унсурга эга ва тилсим - дуо ўқийдиган оддий инсонлар*), сеҳрли мавжудотлар (*Morgan, Syrène, ogre, fée, dragon, пари, дев, сув қизи, аждарҳо*) ва сеҳрли унсурлар (*une eau, un onguent, un manteau, une épée, un sabre; олма, телпак, қилич, пат, ёл, тук, сочлар* ва х.) гуруҳига бўлинади. Сеҳр кучига эга инсонлар ва мавжудотларнинг концептуал хусусиятлари уларнинг ташқи қиёфаси, хулқ-атвори, ўзига хос ҳатти-ҳаракатлари, одамларга бўлган муносабати, улар яшайдиган макон талқинида акс этади. Ушбу талқин 1)экспрессив (*Ҳалиги нарсанинг усти ялт-юлт қилармиш, бошида иккита тилла шохи бормиш. Кўзи ёниб турганмиш. Тилини чиқарса, бир метр чўзилиб бир ярим метрдаги нарсани домига олармиш*); 2)бахоловчи-эмоционал (*ярамас, турқи совуқ, баҳайбат; laids et méchants, monstre terrible, un géant éprouvable*); 3)дименсиологик (*камта чинордан ҳам улкан эмиш; панжасига битта уй-жой сизармиш; un Ogre, qui avait bien dix pieds de haut et cinq ou six en largeur*); 4)соматик (*оғзида ўттиз икки тишидан бирови ҳам қолмай тушиб кетган, соч ўрнида патак, қош ўрнида қотган тук, жағи тушган, оғзи қийшайган; les yeux arrachés de leurs orbites; Une dent noire et longue, ..., branlait dans sa bouche*); 5)вита́л (*бир еганда қирқта қўйнинг гўштини ер, ҳар сув ичганда бир меш сув ичар экан; l’Ogre, qui, comme à l’ordinaire avait mangé un bœuf entier à son souper*); 6)зооморф (*Унинг учта боши бўлиб, бир боши одам бошига, бир боши илон бошига ўхшар экан*); 7)ментал (*Қуши ҳам қушимисан-қуш бўлиб, ҳамма нарсани тушунар, одам билан одамчасига, ҳайвонлар билан ҳайвончасига, қушлар билан қушчасига гаплашар экан*); 8)метереологик (*Бир маҳал осмон остин-устин бўлиб, момоқалдироқ чақнаб, булут-булутга қоқилиб, ҳаммаёқни қора туман*

*босибди. Бола билибдики, дев келаётур* (ОБ, 197); *il (le magicien) partit aussitôt ... avec un vacarme épouvantable, tonnerre, pluie, éclairs et feu*); 9)ландшафт ва рельеф (*оғзи гордек; калласи тепадай, мўйлови илон сойдай, елкалари яйловдай, бутлари чалнак сойдай*); 10)гендер ва бошқа хусусиятли лисоний бирликлар орқали ифодаланади. Ўзбек эртақларида сеҳрли мавжудотлар гуруҳига кирувчи “дев” ифодасида колороморф (*Қорадев, Оқдев, Сариқдев*), “пари” талқинида вегетатив (“гул”) (*Гулиқаҳқаҳ, Гулуялар, Гулхумор пари, Гулпаризод, Гулпару*) хусусиятли ономастик бирликлар қўлланилади.

Сеҳрли унсурлар француз ва ўзбек эртақларида артефакт, натурфакт, озиқ-овқат, кийим-бош, қурол номлари орқали ифодаланади. Ушбу белгилар баҳоловчи мазмунли (*сеҳрли, ажойиб, merveilleux(se), magique, ensorcelé(e), enchanté(e)*) квалификатив белгилар билан қўлланилади. Ўзбек ва француз эртақларида ҳам *соч, ёл, пат* кабилар сеҳрли унсур сифатида воқеланади.

Иккала халқ эртақларидаги энг кўп учрайдиган сеҳргарлик ҳатти-ҳаракати, бу – метаморфоза, яъни эврилишдир. Эртақларда метаморфоза таъқиб нишонига айланган қаҳрамон таъқибчисидан кўра кучлироқ, чаққонроқ ва жасоратлироқ мавжудотга айланиш, бошқанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун эртақ персонажининг қайғу, умидсизлик, дарду-алам каби кучли ҳиссиётлар қуршовида қолганида “тошга айланиш”, ёрдам бериш, ёвуз ниятли жодугарлар томонидан эса зиён келтирувчи амаллар қилиш мақсадида қўлланилади. Иккала халқ эртақларида ҳам эврилишнинг анимализация, вегетализация, материализация, гуманизация каби турлари учрайди. Эртақларда эврилиш генезиси мифологик тафаккурнинг анимизм ва шомонизм ҳақидаги тасаввурларига бориб тақалади. Ўзбек эртақларида айниқса, париларнинг бир думалаб каптарга эврилиши, ёки девларнинг бир думалаб эврилиш ҳаракати ҳам аждодларимизнинг шомонлик хусусидаги қарашларига бориб тақалади. Иккала халқ эртақларида ҳам тошга эврилиш жараёни бир хилда содир бўлади: *Шу вақт сен “Сангил сополтош” деб чақирасан. Биринчи чақирилишигда оёгинг, иккинчи чақирилишигда гавданг, учинчи чақирилишигда томогинггача тош бўлади; à mesure qu’il parlait, la moitié inférieure de son corps se changeait en marbre : ses pieds d’abord, puis ses jambes et ses cuisses ; et quand il unit de parler, il était pétrifié jusqu’à la ceinture.*

Француз эртақларида лексик-семантик жиҳатдан (*se*) *métamorphoser*, (*se*) *changer* лексемалари эврилишнинг барча турларини ифода этишда тенг маъноли синоним бўла олади, *transformer* феъли эса, айнан тошга айланиш семасини ифодаласа, *se former*, *se dresser*, *s’élever* бирликлари географик объектлар эврилишини ифодалайди. Эврилишдан кейинги ўз ҳолатига қайтиш ва қайтариш мазмуни *recouvrer* (*et le moment est venu , ... de recouvrer leur forme humaine*), *repandre* (*les princes, les rois que le géant avait changés en pierres reprirent leur première forme*), *revenir* (*Vous m’avez fait revenir à la forme humaine*), *rendre* (*le sang de deux enfants nés jumeaux pourrait lui rendre sa nature*) феъллари орқали акс этади, баъзан эса айнан инсонларга нисбатан

*redevenir homme* (қайтадан одамга айланмоқ) бирикмаси учрайди: Je désire *redevenir homme*.

Ўзбек эртақларида эврилиш мазмуни айланмоқ (Илонга айланиб, ... ер остига тушибди), айлантирмоқ, айлантириб қўймоқ (бир дуо билан кучукни хушрўйгина йигитчага, мушукни гўзал қизчага айлантириб қўйибди), қиёфасига кирмоқ, қиритмоқ (Сеҳргар чумчуқ қиёфасига кирибди-да, “пирр” этиб учиб кетибди), шаклига, суратига кирмоқ (Кейин бир юмалаб, илон шаклига кириб, эшик тагидан чиқиб кетди; одам қиёфасига кириб, қизни сандиққа солибди), бўлмоқ (Паризод бир юмалаб, ... бир каптар бўлибди) каби бирликлар орқали ифодаланади. Эврилишлар одатда “бир юмалаб”, “бир дуо билан”, “бир дам билан”, бирон сеҳрли унсур (олма, пат, мева, пичоқ, ҳуштак, пат, ёл ва б.) ёрдамида амалга ошади. Эврилишдан кейинги ўз ҳолига қайтиш мазмуни асл ҳолига келмоқ, айланмоқ (яна бўрига, асл ҳолимга айланиб, орқангдан етиб бораман), асл ҳолига келтирмоқ, қайтармоқ (мени балиқдан асл ҳолимга қайтариши йўлини билади), ўзига келтирмоқ, одам тусига кирмоқ, одам ҳолига келмоқ (Менга ... сувдан бир қултум берсанг, мен қайта одам тусига кираман; Шунингдан эканки, шу замон одам ҳолига келибди) каби бирликлар орқали ифодаланади.

Лисоний магия халқ эртақларида бирор сеҳр-жоду амалига ҳамроҳ сифатида ифодаланади. Лекин айнан сўз магиясининг ўзи билан ҳам сеҳргарлик амалга ошади.

Эртақка оид сўз магиясини Т.Н. Астафурова сеҳргарлик қобилиятини кучайтириш, асабий ҳолатни мувозанатга солиш ва индивидуал кўркувни енгишга йўналтирилган маиший, сеҳрли таёқча ёрдамида кечадиган протектив ва макон, ташқи қиёфа ва б. ларни ўзгартиришга имкон берувчи трансфигуратив вербал магия каби турларга ажратади<sup>20</sup>. Француз ва ўзбек эртақларида маиший, трансфигуратив ва сеҳрли унсурлар (*baton, diamant, гиламча, узук* кабилар) ҳамроҳлигида кечадиган протектив сўз магияси кузатилади. Эртақлар матнида сўз магияси семантик-структурал жиҳатдан ғайритабиий кучга эга бўлган сеҳрли объектларга буйруқ майлидаги феъл орқали мурожаат: *Йигит телпакни кийиб: «Уйимизга элт»,— дебди; “Chèvre, élève-toi en l’air, bien haut, et va en Égypte”*; истак-хоҳиш (subjonctif) майлидаги феъл: *«Ҳозиргина карвонбоши айтган подшонинг қизи отасининг тахти-нахти билан шу ерда бўлсин!»* - деб юборибди бола; *Qu’elle soit la moitié plus aimable et plus gracieuse encore !*; ва сеҳр-жодунинг пайти, унинг амалга ошиш ва бекор бўлиш шартларини ифодаловчи жумлалар орқали ифодаланади: *“Агар шу қиличдан қон томса, Бектемир ўлди денглар. Агар қон томмаса, Бектемир саломат, ер юзида юрибди денглар!”* — дебди.

Шунингдек, ғайритабиий куч орқали сеҳргарликнинг объекти эмас, субъектига айланган жисмнинг қудратини иддао қилган, структур жиҳатдан буйруқ, аниқлик ва истак-хоҳиш майлларидаги феълли жумлалар орқали ҳам

<sup>20</sup>Астафурова Т.Н. Магический дискурс // Научный журнал “Дискурс-Пи”, 2015. № 3-4 том 12. – С. 161-164



сўз магияси акс этади: *Par la vertu de ma baguette blanche, colle là; “Қирқ қозоннинг ҳаққига шу қозонни юртимга олиб бориб қўйинглар”* дебди.

Француз ва ўзбек эртақларида ғайритабиий куч соҳибларининг сеҳрли хатти-ҳаракатлари натижасида қуйидаги ғаройиботлар содир бўлади.

1) Инсон организми, ташқи қиёфаси, тана аъзоларида соматик ва витал хусусиятли физиологик ўзгаришлар юз бериши энг кўп учрайди: ўлган инсон тирилади (*Пари қизи дарров келиб бир ўтти ҳидлаттириб Вазирваччани тирилтирибди; et à mesure qu'elle frottait, la vie revenait dans son corps, si bien qu'il finit par se retrouver aussi vivant et aussi bien portant que jamais*); инсон дарддан ва жисмоний нуқсондан халос бўлади (*Жўрахон отасининг кўзига икки томчи дарахт сутидан томизиб эдики, отасининг кўзи ўз ҳолига келди; Alain, lui-même, vit disparaître subitement sa bosse, au toucher de la baguette*); кекса инсон яшаради (*Мислабу подшо ни отга миндириб, Нил дарёсига туширибди. Подшо сувдан йиғирма ёшли йиғит бўлиб чиқибди; L'oiseau, ..., se laissa toucher et caresser par le vieux roi, qui aussitôt se trouva complètement guéri et rajeuni*); инсон ташқи кўриниши ўзгаради (*Кўзадан қўлини ювиб, бошига сув қўйган экан, сочлари олтин бўлиб қолибди; deux cornes poussaient, à vue d'œil, sur le front de chacun des mangeurs de pommes*); ўзбек эртақларида аёллар ҳомиладор бўлади (*қиз яна сўрабди, яна талқондан озгина берибди...., қиз бутунлай соғайиб кетибди-ю, лекин ҳомиладор бўлиб қолибди; Қаландар қўлбаридан бир олма чиқариб берди. Подшо олмани ярмини ўзи еб, ярмини хотинига едирди. Хотини тез фурсатда ҳомиладор бўлди.*). Эртақлардаги “тасодифий ҳомиладорлик аёл танасига тотем(муқаддас нарса)нинг кириши ва муқаддас нарса, ҳодисанинг сеҳрли кучи билан боғлиқ ибтидоий тушунчанинг бадий кўчими, ифодасидир<sup>21</sup>.

2) Ландшафт, стихия, метеорологик хусусиятли жараёнлар юз беради: ер рельеф сатҳи ўзгаради (*Бир кун йўл юриб, дарё лабига келиб, етти дона тошни ташлабди. Дарё етти ариққа бўлинибди; Aussitôt Arzur, d'un coup de sa baguette magique, coupa entre eux et la terre*); об-ҳаво ўзгаради (*Шу пайт бўрон турибди. Тогдаги дарахтлар илдиз-илдизи билан суғурилиб, настга ағанабди; Alors, la pluie, le vent et le tonnerre cessèrent et le ciel devint clair et serein.*

3) Макон ва замон қисқаради (*Кўз очиб-юмгунча Гулбаданни йиғирма йиллик йўлга олиб бориб қўйибди (ИП, 80); Et aussitôt ils partent, à travers l'air, plus vite que le vent, et sont déposés dans une île, au milieu de la mer.*

4) Инсон, жисм ва ўсимликлар ғаройиб хусусиятларга эга бўлади (*Кимёгарнинг ўғли кулоҳни кийган экан, осмонга кўтарилиб кетибди. Уни ҳеч ким кўрмабди (ОБ, 159); Elle toucha cette porte de la main, et elle devint d'or; Ўғай она эрталаб уйига кирса, қайчи ҳамма нарсани қиймалаб ташлаган эмиш; Et la serviette se couvrit sur-le-champ de mets de toute sorte, tout fumants et appétissants à voir; Боғбон боққа кириб (уруғни) бир яхши жойга экибди.*

<sup>21</sup>Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: “Фан” нашриёти, 2008. – Б.132.

*Эрта билан экиб, пешинда кирса, олма бўқоқ бўлибди. Тўрт дона, кичкинаси бир пудлик тошдек етти хил товланибди; les branches et les troncs se convertissaient d'eux-mêmes en cuillères).*

## ХУЛОСА

1. Оламнинг фольклорга оид манзараси коммуникатив, ижтимоий, маданий, когнитив ва лисоний жиҳатлари билан ажрали туради ҳамда, ҳар бир халққа хос фольклор асарларнинг когнитив жиҳатлари уларда мифологик анъанавий қарашларнинг акс этиши, улар талқинининг чуқурлиги ва рамзийликка эгалиги, образ ва мавзуларда халқнинг эстетик идеаллари мужассамлиги туфайли кадр-қийматга эгалиги билан характерланади, шунингдек, фольклор матнларда сўзнинг рамзлилик хусусияти, шаклий яхлитликка эгалик, маросимийлик, вариантликка эгалик каби лисоний хусусиятлар намоён бўлади.

2. Эртақлардаги ритуал, космологик рамзлар, рақам, ранг ва зоосимволлар илдизи халқларнинг мифологик тафаккурига оид ой ва кўшнинг ҳаракати хусусидаги тасаввурларига, анимизм, тотемизм, шомонизм каби илк эътиқод кўринишларига, дастлабки ижтимоий жамият тузилмаларига хос маросимлар ифодасига бориб тақалади.

3. Француз ва ўзбек тилларидаги ғаройибот категориясини ифодаловчи таянч лексик бирликлари қатори француз тилида *merveille, miracle, surnaturel, magie* ва *prodige*, ўзбек тилида *ғаройиб, ажойиб, сеҳр, тилсим, мўъжиза, сирли* лексемалари ва уларнинг ҳосилаларидан иборат эканлиги, шунингдек, эртақлар дискурсида ажратилган лексик бирликлар ғаройибот категориясининг кўрсаткичларини умумий жиҳатдан сақлаб қолиши ҳамда, ушбу категориянинг дин билан боғлиқлик семаси француз ва ўзбек эртақларида белгиланган бирликлар орқали эмас, балки коннотатив жиҳатдан турлича ифодаланиши аниқланди.

4. Француз ва ўзбек эртақлари дискурсида ғаройибот категорияси таянч лексик бирликларининг қўлланилиш даражаси таҳлил қилиниб, 128та француз эртақлари матнида жами лексик бирликлар 484 тани ташкил этиши, 130 та ўзбек эртақлари матнида жами 94 та бирлик қўлланилганлиги кузатилди. Қўлланилиш даражасига кўра француз эртақларида *merveille, extraordinaire* бирликлари ва уларнинг ҳосилалари (49,7 %, 17,7 %), ўзбек эртақларида *эса, сеҳр* (34,7 %) ва *ажойиб* (23,9 %) бирликлари ва уларнинг ҳосилалари олдинги ўринда туради.

5. Француз ва ўзбек эртақларини лингвосемиотик ёндашув орқали таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди: а) француз ва ўзбек эртақлари дискурсида мўъжиза ва ғаройибот категорияси субстанциаллик, процессуаллик, акционаллик, атрибутивлик, темпораллик каби тушунча категорияларини акс эттирувчи лисоний, лисоний компонентли нолисоний белгилар ва турли кодлар орқали намоён бўлади; б) француз эртақларида

топонимик хусусиятли номлар ўзбек эртақларига қараганда кўп учрайди; в) француз эртақларида колороморф белгилар оқ, аксарият ҳолларда, қуёш, ой, юлдуз каби осмон жисмлари ранги орқали ифодаланса, ўзбек эртақларида қизил, сариқ, кўк, оқ, қора сингари деярли барча ранглар иштирок этади.

6. Француз ва ўзбек эртақларида магияга оид дискурс сифатида қуйидаги хусусиятлар намоён бўлади: а) магияга оид дискурс хусусиятларига унинг мақсади – ҳимоялаш, зиённинг олдини олиш, иштирокчилари – ёрдам сўровчи мижоз, мижоз ва ғайритабиий кучлар ўртасидаги агент, мулоқот мақом-рол муносабатлари, сеҳр жараёнида атрибутларнинг мавжудлиги ва афсунларнинг махсус талаффуз орқали ифодаланиши киритилади ва бу хусусиятлар француз ва ўзбек эртақлари дискурсига бир хилда хосдир; б) иккала халқ эртақларида ҳам барча халқона магия турлари учрайди, магия турларининг ифодасига қараб, сеҳр жараёнидаги атрибутлар сифатида француз эртақларида *малҳам (onguent)*, *пиширик (gateau)*, *тўғноғич (épingle)*, *олтин тухум қўядиган кичкина қуш юраги (le cœur du petit oiseau à l'œuf d'or)* ва ҳ. бўлса, ўзбек эртақларида *талқон*, *ёшартирувчи мева* каби глуттонимлар, *қилич*, *шамшир*, *ништахол* каби артефактлар, *мурғнинг сангдони*, *мурғнинг жигилдони* каби натурфактлар учрайди. Ҳар иккала халқ эртақлари матнида ҳам *сув (eau)* ва мевалардан *олма (pomme)* сеҳрли кучни ўзида жамлаган атрибут сифатида иштирок этади; в) халқона магиянинг контагиоз тури талқинида ўзбек эртақларидаги *ютиш ва қайтариб чиқариш* каби ҳаракатлар ифодаси француз эртақларида кўзга ташланмайди.

7. Эртақларда “*Сеҳр*” ва “*Magie*” концепти уч гуруҳда яъни, сеҳр соҳиблари, сеҳрли ҳатти-ҳаракатлар ва сеҳрли жумлалар кўринишида намоён бўлиб, сеҳр соҳиблари, ўз навбатида, француз ва ўзбек эртақларида бир хилда сеҳр кучига эга инсонлар, сеҳрли мавжудотлар ва сеҳрли унсурлар гуруҳига бўлинади.

8. Сеҳрли унсурлар француз ва ўзбек эртақларида артефакт, натурфакт, глуттоним, кийим-бош, қурол номлари орқали ифодаланиб, ушбу белгилар баҳоловчи мазмунли (*сеҳрли*, *ажойиб*, *merveilleux(se)*, *magique*, *ensorcelé(e)*, *enchanté(e)*) кваликатив белгилар билан қўлланилади ҳамда, *соч*, *ёл*, *пат* кабилар эртақлар матнида сеҳрли унсур сифатида бирдек воқеланади.

9. Иккала халқ эртақларидаги энг кўп учрайдиган сеҳргарлик ҳатти-ҳаракати, бу – метаморфоза, яъни эврилиш. Унинг анимализация, вегетализация, материализация, гуманизация каби турлари учрайди ҳамда, эртақларда эврилиш генезиси мифологик тафаккурнинг анимизм ва шомонизм ҳақидаги тасаввурларига бориб тақалади. Ўзбек эртақларида, айниқса, париларнинг каптарга эврилиши жуда кўп кузатилса, тошга эврилиш жараёни иккала халқ эртақларида ҳам бир хилда содир бўлади.

10. Лисоний магия халқ эртақларида одатда бирон сеҳр-жоду амалига ҳамроҳ амал сифатида қўлланилса-да, лекин айнан сўз магиясининг ўзи билан ҳам сеҳргарлик амалга ошади. Эртақлар матнида сўз магияси семантик-структурал жиҳатдан ғайритабиий кучга эга бўлган сеҳрли

объектларга буйруқ майлидаги феъл орқали мурожаат, истак-хоҳиш (subjontif) майлидаги феъл, сеҳр-жодунинг пайти, унинг амалга ошиш ва бекор бўлиш шартларини ифодаловчи жумлалар орқали ифодаланаши, шунингдек, француз ва ўзбек эртакларида ғайритабiiй куч орқали сеҳргарликнинг объекти эмас, субъектига айланган жисмнинг қудратини иддао қилиш орқали ҳам сўз магияси акс этиши ва ушбу сема структур жиҳатдан буйруқ, аниқлик ва истак-хоҳиш майлларидаги феълли жумлалар орқали воқеланиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01. ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**КУЧКАРОВА САДОКАТ ТОШПУЛАТОВНА**

**КОММУНИКАТИВНО-ПРАГМАТИЧЕСКАЯ РОЛЬ КУЛЬТУРНЫХ  
СИМВОЛОВ В УЗБЕКСКИХ И ФРАНЦУЗСКИХ СКАЗКАХ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и  
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Самарканд – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан рег. №B2019.2.PhD/Fil865.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Сафаров Шахриёр Сафарович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Джураева Малохат Мухамадовна**  
доктор филологических наук, профессор

**Якубов Жамолиддин Абдувалиевич**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «14» апрель 2022 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 при Самаркандском государственном институте иностранных языков. (Адрес: 140104, г. Самарканд, улица Бустонсарой, 93. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована за номером 60937 Адрес: 140104, г. Самарканд, улица Бустонсарой, 93. Тел.: (99866) 238-29-37

Автореферат диссертации разослан «2» апрель 2022 года.  
(Протокол реестра рассылки за № 37 от «2» апрель 2022 года).



**И.М.Тухтасинов**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор педагогических наук, профессор

**Г.К.Мирсанов**

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, доцент

**Н.З.Насруллаева**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В мировой лингвистике наличие множества научных подходов к изучению жанров устного народного творчества народа, как одного из древних плодов человеческого мышления, служит доказательством актуальности исследования данной темы. В частности, если в Европе в XVI-XVII веках интерес к жанру сказок проявился в виде их первой письменной фиксации, то в XIX веке во всем мире научные взгляды на генезис сказок получили продолжение в виде исследований по воссозданию, сбору и публикации текстов сказок. В XX веке этот жанр становится объектом научного исследования со структурных позиций.

В мировой науке жанр сказок, который в последние годы стал источником информации о мифологическом мышлении народов мира, о менталитете, истории, культуре, о сверхъестественных факторах, их формирующих, остается объектом актуальных исследований таких современных антропоцентрических направлений, как этнопсихолингвистика, лингвофолклористика, когнитивная лингвистика, лингвокультурология. Особенно остро ощущается необходимость лингвистического анализа вопроса об отражении культурных символов в тексте сказок.

В последнее время, в силу того, что "в нынешних условиях глобализации, усиления негативного влияния шоу-бизнеса и «массовой культуры», превратившихся в сферу коммерции, ослабевает внимание и интерес к фольклорному искусству, которое все больше нуждается в охране и защите"<sup>22</sup>, доказательством внимания к образцам устного творчества народа, которые являются источником наших бесценных национальных ценностей в нашей стране, является принятие на самом высоком уровне решений, реализации действий и, конечно же, рост интереса к научным исследованиям. Современные инновационные идеи требуют формирования новых научных подходов и взглядов в изучении народных сказок. Ученые-лингвисты и фолклористы ставят перед собой такие актуальные задачи, как изучение сказок в рамках новых направлений современной лингвистики и в связи с социокультурными отношениями настоящего периода, перевод сказок на мировые языки, их широкое распространение среди народов мира посредством современных информационных технологий. Ведь народное искусство - это "то, что выражает национальную самобытность народов, их язык и образ жизни, это песня детства человечества"<sup>23</sup>.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан УП-60 "О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026

---

<sup>22</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4320 "О мерах по дальнейшему развитию искусства бахши" от 14.05.2019 г. Режим доступа: <https://lex.uz/docs/4380951>

<sup>23</sup> Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на торжественной церемонии, посвященной открытию Международного фестиваля искусства бахши//«Халқ сўзи» - Ташкент, вып.7 апреля 2019 г.

годы” от 28 января 2022 г. и УП-5850 "О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка" от 21 октября 2019 г., постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-2789 "О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности" от 17 февраля 2017 г., ПП-3271 "О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения" от 13 сентября 2017 г., ПП-3775 "О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах" от 5 июня 2018 г., ПП-4038 "Об утверждении концепции дальнейшего развития национальной культуры в Республике Узбекистан" от 28 ноября 2018 г., ПП-5117 "О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан" от 19 мая 2021 г., постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 610 "О мерах по дальнейшему совершенствованию качества преподавания иностранных языков в образовательных учреждениях" от 11 августа 2017 г., и в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Структурно-композиционные и мотивационные особенности жанра сказки в мировой фольклористике изучались такими учеными, как А. Аарне, С. Томпсон, Х.И. Утер, В.Я. Пропп, Е.М. Мелетинский, В.А. Аникин<sup>24</sup> и др. В 1920 году финским ученым Антти Ааматусом Аарне был создан классификатор сказок (ATU Index), позже дополненный американским ученым С. Томпсоном и немецким ученым Хансом Йорком-Утером. Новые подходы к изучению сказок были предложены российским ученым В.Я.Проппом в его работе "Мифология сказок", а также в исследованиях таких ученых, как А.Дандес, А. Греймас, К. Бреммон<sup>25</sup> и др.

---

<sup>24</sup> Aarne A. Verzeichnis der märchentypen//Folklore Fellows' Communications No. 3. - Helsinki: Suomalaisen Tiedeakatemia Toimituksia, 1961. – 588 p.; Thompson S. The folktale. - London: University of California Press, 1977. - 502 p.; Uther H J. The Types of International Folktales, a Classification and Bibliography, based on the System of Antti Aarne and Stith Thompson by H .J.Uther - Helsinki, 2011. -560 p.; Пропп В. Я. Морфология сказки. — Л.: Academia, 1928. – 152 с.; Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. - М. - СПб.: Традиция, 2005. - 240 с.; Аникин В.П. Русская народная сказка. - М.: Просвещение, 1977. – 208 с.

<sup>25</sup> Dundes A. From Eitic to Ernie Units in the Structural Study of Folktales // JAF. 75: 95-105; Dundes A. The Morphology of North American Indian Folktales. Helsinki: Academia Scientiarum Fennica (FFC.Vol. 195); A.J Greimas, Structural Semantics: An Attempt at a Method. Lincoln and London: University of Nebraska Press, 1966. - p. 146-151; Bremond C. La Logique du récit, Collection Poétique, Éditions du Seuil, 1973. -350 p.



